

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ОҚИЛОВ САИДМУХТОР САЙДАКБАРОВИЧ

**IX-XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА МОТУРИДИЯ
ТАЪЛИМОТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract dissertation of the Doctor of historical science (DSc)

Оглавление автореферата диссертации доктора исторических наук (DSc)

Оқилов Саидмухтор Сайдакбарович

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда Матуридия таълимотининг пайдо

бўлиши ва ривожланиш тарихи 3

Okilov Saidmukhtor Saydakbarovich

The history of the emergence and development of Māturīdiya teaching in

Māwarā’annahr in the IX-XII centuries..... 35

Оқилов Саидмухтор Сайдакбарович

Появление и история развития учения Матуридия в Мавераннахре

IX-XII веках 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 71

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ОҚИЛОВ САИДМУХТОР САЙДАКБАРОВИЧ

**IX-XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА МОТУРИДИЯ
ТАЪЛИМОТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Tar38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiia.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Уватов Убайдулла Муродович тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мўминов Аширбек Курбанович тарих фанлари доктори
	Тураев Бахтиёр Оманович фалсафа фанлари доктори, профессор
	Буриев Аманулла тарих фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» сентябрь соат 10⁰⁰ даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@iiia.uz Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244 00 56; факс: (99871) 244 00 65; e-mail: info@iiia.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «29» август да тарқатилди.
(2022 йил «6» августдаги 6 рақамли реестр баённомаси.)



Д. Р. Махсудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

С. А. Рустамий
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

З. М. Исломов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё жамоатчилиги томонидан Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимотининг асл негизларини очиб беришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. IX асрда Ҳанафия ақидаси негизида пайдо бўлган Мотуридия таълимоти (المدرسة الماتريدية) ўша даврнинг ўзидаёқ Мовароуннаҳрда аҳли сунна вал жамоа ақидасининг йирик бир йўналиши сифатида қабул қилинди. Абу Мансур ал-Мотуридий (242/856-332/944) нақлий далилларни ақлий далиллар билан ёритиб берган ҳамда ўз таълимотининг асосларини “Китоб ат-тавҳид” (كتاب التوحيد) ва “Таъвилот ал-Қуръон ал-карим” (تأويلات القرآن الكريم) номли асарларида очиб берган. Мазкур таълимот тарихда турли диний-ақидавий масалаларга ечим топиши билан бир қаторда, бугунги кунда ҳам дин билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Жаҳондаги бир қатор олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида Мотуридия таълимотига оид салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Бугунги кунда Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, ўлкада пайдо бўлган илк ақидавий мактаблар ҳамда Мотуридия таълимотига оид классик асарларга доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, тарихда Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ақидавий мактаблар генезиси, Мотуридия таълимотининг Ашъария (المدرسة الأشعرية) таълимоти билан қиёсий таҳлили, эпистемологияси, таълимотда “инсон” тушунчаси, кадриятлар, экология, гендер, дин ва сиёсат (الديانة والإمامة) каби глобал масалаларга жавоб топишда аксиологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда Мотуридия таълимотига объектив-социодинамик ёндашган ҳолда интенсив тадқиқотлар олиб бориш давр талабидир.

Янгиланаётган Ўзбекистонда Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази ташкил этилди, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид”, “Таъвилот ал-Қуръон ал-карим” тафсири, Абул Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” (تبصرة الأدلة), Нуриддин ас-Собунийнинг “ал-Бидоя” (البداية) асарларининг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржималари амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Ақида, Калом магистратура мутахассислиги очилиб, унинг негизида “Мовароуннаҳр мутакаллимларининг илмий мероси”, “Мотуридия таълимотига оид манбалар таҳлили” каби фанлар жорий қилинди. Шубҳасиз, “Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутади. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда”¹.

¹Мирзиёев Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл / 2016 йил 18-19 октябрда бўлиб ўтган Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Расмий сайт. URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016> (мурожаат санаси: 14.02.2020).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 11 августдаги ПК-4802-сон «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 16 июлдаги ПК-5186-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги ВМ-693-сон «Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажаралишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Абу Мансур ал-Мотуридий ва Мотуридия таълимоти вакиллари илмий мероси, ўлкада Ҳанафия ақидасининг ривожини ҳамда Мотуридиянинг юзага келишига оид тадқиқотларга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказларида олиб борилмоқда. Жумладан, Heidelberg University, Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg, Berlin Freie University, Ruhr-Universität Bochum (Германия), Cambridge University, University of Oxford (Буюк Британия), Columbia University, Cornell University, Illinois University (АҚШ), The Faculty of Law and Economics of Paris University, University of Lyon (Франция), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Нидерландия) каби Ғарб тадқиқот марказларида Мотуридия таълимоти умумий – ислом тарихида фаолият олиб борган мактаблар қаторида ўрганилган. Damascus University (Сурия), Cairo University (Миср), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library, Ankara universitesi Иlahiyat Fakultesi, Istanbul universitesi

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.Islamwissenschaft.uni-heidelberg.de>; <http://www.orient.uni-freiburg.de>; <https://www.htw-berlin.de>; <http://www.geschkult.fu-berlin.de/e/islamwissenschaft>; <http://dwh.uv.ruhr-uni-bochum.de>; <http://www.cis.cam.ac.uk>; <http://www.ox.ac.uk>; <http://www.mei.columbia.edu>; <http://www.neareasternstudies.cornell.edu>; <http://www.csames.illinois.edu/program/islamicstudies>; <http://www.u-psud.fr>; <http://www.univ-lyon.fr/islamicstudies>; <http://www.notary-courses.com>; <http://www.naher-osten.uni-muenchen.de>; <http://www.ulb.ac.be/assoc/aip/liens>; <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>; <http://www.masaisrael.org/programs/hebrew-university-ma-islamic-and-middle-east>; <http://www.damasuniv.edu.sy>; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.sonmezcutlu.net>; <https://www.bkmkitap.com/endulus-yayinlari.amp>; <http://selcuk.edu.tr/Birim/maturidi>; <http://old.bukhari.uz/>; <http://iaau.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Ilahiyat fakultesi, Marmara universitesi Ilahiyat Fakultesi, İslam Araştırmaları Merkezi (İSAM) (Türkiye) kabî devletlerde Abu Mansur al-Moturidî ilmiy merosi hamda Moturidiya taъlimotiga boғliq tadqiqotlar amalga oshirilgan. Yurtimizda Imam Buxoriy xalqaro ilmiy tadqiqot markazi, Ўzbekiston xalqaro islom akademiasida ham tadqiqotlar olib borilmoqda.

IX-XII asrlarda Movarounnaxrda Moturidiya taъlimotining rivojlaniш tarixi bўyicha jahonda amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlarda quyidagi ilmiy natijalar olingan: X asr birinchi yarimda Movarounnaxrda Abu Mansur al-Moturidîning “Kitob at-tavhid” asarida aqidaviy masalalar echimida naқldan (الأية والحديث) kўra, aқlni (العقل) qatъiy dalil (الدليل القطعي) sifatida эътироф этгани сабабидан Ханафия ақидасининг калом илми билан дифференциациялашуви содир бўлгани ва бунинг natijasida ўлкада ортодоксал калом илми rivojlangani ochib berilgan (Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg – Германия); Abul Muin an-Nasafiy “Бахр ал-калом” (بحر الكلام) asarida aqidaviy masalalar билан бир қаторда, сабр-қаноат, халол касб эгаллаш, одоб-ахлоқ фазилатлари hamda боқимандалик, зикналик каби иллатларни ёмонлаш орқали moturidîlikка oid asarlar silsilasiga ilk bora didaktik uslubni olib kiritgan isbotlangan (Ruhr-Universität Bochum – Германия); XI asr boши - XII asr oxirida Abul Muin an-Nasafiyning “Tabssirat al-adilla” asarini ёziшdan asosiy maқsadi, avvalo, Moturidiya taъlimotini Movarounnaxrga kirib kelgan ashъariya olimlaridan хimoya қилиш, Abu Mansur al-Moturidîning “Kitob at-tavhid” asaridagi murakkab jumalarni ommaбop va tuшunarli uslubda sharҳlashdan iborat bўlгани, natijada, Moturidiya taъlimotining mustaqil taъlimot sifatida tan olinishiда muҳim хissa қўshгани dalillangan (Marmara universitesi Ilahiyat Fakultesi – Türkiye); Abbosiy Xalifa ar-Roziy davrida Baғdodda hech bir olim eча olmagani va aynan Abu Mansur al-Moturidî aниқ javob билан ochib bergan nomaълum шаръiy masala din va siёsat (الديانة والإمامة) mavzusiga oid bўlгани “Tabssirat al-adilla” asarida kelgan Imam Moturidîning ўz davrida Abbosiyлар salтанatida “imomat” (раҳбарлик) masalasida yuzaga kelgan ихtilofларни: “Din pайғамбарлар қўлида, siёsat эса, amir va podшоҳлар қўлида” (الديانة في ايدي الأنبياء والسياسة في ايدي الملوك), deb echim topgan сўzlari орқали isbotlangan (Ankara universitesi Ilahiyat Fakultesi – Türkiye).

Dunёda Moturidiya taъlimoti tarixi va Moturidiya ulamolari ilmiy merosi bўyicha quyidagi ustuvor йўналишlarda ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda: Moturidiya taъlimotida din va siёsat masalasini ochib berish; Moturidiya ulamolari ilmiy merosida diniy baғrikenглиk masalasini tadqiq etish; Moturidiya taъlimotiga oid қўлёзма manбаларни aниқлаш, уларнинг замонавий нашрлари билан қиёслаган ҳолда tadqiq etish.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Movarounnaxrda калом илмининг kirib kелиши va rivojlaniш tarixi, ўлкадада yшаб ijod etgan maҳalliy ханафий мутакаллимларнинг ilmiy-maъnaviy merosi, хусусан, Abu Mansur al-Moturidî хаёти hamda Moturidiya taъlimoti tarixi хақида Шарқ қомусий olimлари hamda Ғарб va араб tadqiqotchилари ўz

асарларида маълумотлар берганлар³. Шарқ олимларининг асарларида Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва унинг илмий-маънавий мероси ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Европалик шарқшунослар, асосан, калом илми тарихи ва айрим мутакаллим ҳамда фақиҳларнинг асарларига оид тадқиқотлар олиб борганлар. Ғарб тадқиқотчилари орасида Абу Мансур ал-Мотуридий илмий меросига оид бир қанча мақолалар эълон қилган В.Маделунгни алоҳида таъкидлаш лозим. У, асосан, Мотуридия ва Ашъария таълимотлари ўртасидаги муносабат ва тафовутларни ўрганган. 2000 йили Ўзбекистонда нашр этилган У. Рудольфнинг монографиясида Абу Мансур ал-Мотуридий илмий меросидан кўра, калом илми тарихи ва Ҳанафия ақидасига оид манбаларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Лекин ушбу таҳлилларда бир қанча хатоларга ҳам йўл қўйилган.

Европалик тадқиқотчилар орасида Босния ва Герцеговина давлатининг собиқ муфтийси, мотуридийшунос олим Мустафа Черич Мотуридия таълимотининг бугунги кундаги сохта салафийларнинг нотўғри ақидавий қарашларни фош этишдаги аҳамиятини ёритиб берувчи қатор мақолалар чоп эттирган.

Замонавий араб тадқиқотчиларининг аксарияти Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимотига негатив ёндашганлар. Масалан, саудиялик тадқиқотчилардан Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий ва Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Хумайс каби олимлар тадқиқотларида Мотуридия таълимотига салафийлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, асоссиз танқид қилишга уринганлар. Ҳанафия ақидаси ва Мотуридия таълимотига объектив ёндашган оз сонли араб тадқиқотчиларидан – мисрлик Аҳмад ад-Диманхурийни алоҳида қайд этиш мумкин. Бироқ араб тадқиқотчиларининг

³ Шарқ классик энциклопедик олимлари: Самъоний, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. V жилдди. Абдуллоҳ Умар ал-Борудий нашрга тайёрлаган. – Байрут: “Дор ал-жинан” нашриёти, 1988; Ибн Қутлубуго ал-Қосим ибн Абдиллоҳ ас-Судуний. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. – Байрут: “Дор ал-қалам”, 1992; Лакнавий, Муҳаммад Абдулхай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. II жилдди. – Қоҳира: 1324/1906; Кураший, Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абил Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафия. V жилдди. – Қоҳира: “Дор Ҳажар”, 1993; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асами ал-қутуб вал фунун. II жилдди. – Байрут: “Дор ихё ат-турос ал-арабий”, нашр йили кўрсатилмаган; Зириклий, Хайриддин. Ал-Аълум. VIII жилдди. – Байрут: Дор ал-илм лил малайин, 2002.

- Ғарб шарқшунос тадқиқотчилари: Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898; Madelung W. The Spread of Maturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Árabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 à 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – P. 109-168; Madelung W. Abu l-Mu‘in al-Nasafi and Ash‘arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – P. 318-330; Götz M. Maturīdī und sein Kitāb Ta‘wīlāt al-Qur‘ān // Der Islam. – 1965. – № 41. – P. 79-85; Rudolph U. Al-Maturīdī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Köln: Brill, 1997. – 396 p; Schacht J. An Early Murci‘ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘llim // Oriens. – 1964. – №17. – P. 96-117; Gimaret D. Théories de l’acte humain en théologie musulmane. – Paris: 1980. – 263 p; Gardet L. Introduction à la théologie musulmane. – Paris: 1970. – 132 p.; Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d’al-Aṣ‘arī et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965. – 632 p.; Angelika Brodersen, Der unbekanntes kalam Theologische Positionen der Frühen Maturidiya am Beispiel der Attributenlehre, (Berlin/Münster/Wien/Zürich/London 2014); Mustafa Cerić. Roots of Synthetic Theology in Islam: A Study of the Theology of Abu Mansur al-Maturidi, Kuala Lumpur: ISTAC, 1995.

- замонавий араб тадқиқотчилари: Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самийй, 2000. – 576 б.; Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Хумайс. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самийй, 2007. – 699 б.; Диманхурий Аҳмад. Садд ас-суғур би сийрати алим ал-худа Аби Мансур ал-Матуридий. – Қоҳира: Дор ан-нур ал-мубин. 2016. – 284 б.

асарларида ҳам, европалик тадқиқотчилар сингари, Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси, насл-насаби ва Мотуридия таълимотининг Мовароуннахрга кириб келишининг ижтимоий омиллари, бу таълимотнинг ўлкада уч аср давомида ривожланиш босқичлари, “Дор ал-Жузжония” ва “Дор ал-Иёдия” ақидавий мактабларининг шаклланиш тарихи ва улар ўртасидаги ихтилофлар каби маълумотлар ёритилмаган. Чунки юқоридаги ғарб олимларининг аксарияти нафақат калом илми, балки ислом динининг ҳадис, фикҳ, тафсир, тасаввуф каби соҳалари билан ҳам чамбарчас равишда тадқиқот олиб борганлар. Бундай олим-тадқиқотчиларга В.Маделунг, Й. Шахт, У.Рудольф кабиларни мисол келтириш мумкин. Аммо кўплаб турк шарқшунослари, асосан, Мотуридия калом мактаби тарихи билан шуғулланганлар.

Бугунги кунда таркиялик олимлардан: С.Кутлу, М.Язичиоглу, Ш.Дузген, А.Ак ва Х.Алпернинг Мотуридия таълимотига замонавий ёндашувдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу олимлар Мотуридия таълимотининг ривожланиш тарихи, эпистемологияси ҳамда ақлга бўлган муносабати бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар⁴.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликдан сўнг маҳаллий тадқиқотчилар томонидан мовароуннахрлик мутакаллим олимлар илмий мероси ҳамда бугунги кунгача Мовароуннахрдаги калом илмининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ривожланиш босқичларига доир бир қатор ишлар амалга оширилган⁵. Жумладан, У.Уватов, А.Мўминов ҳамда Ш.Зиёдов каби тадқиқотчилар ўз ишларида Мотуридия таълимоти вакиллари илмий мероси ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Улар орасида Ш. Зиёдов Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар берган бўлса-да, асосан, олимнинг “Таъвилот ал-Қуръон ал-карим” номли тафсирига эътибор қаратган, Мотуридия таълимотининг ривожланиш тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтган. Шу жиҳатдан, диссертация учун танланган мавзу комплекс амалга ошириляётган биринчи тадқиқот ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2018-2020

⁴ Kutlu Sönmes. *Türklerin İslamlaşma Süresinde Murçie ve tesirleri*. – Ankara: Türkiye Diyanet Vakfi, 2000. XI, 332 s.; Kutlu Sönmes. *İmam Maturidi ve Maturidilik : tarihi arka plan, hayatı, eserleri, fikirleri ve maturidilik mezhebi*. / yay. haz. Sönmez Kutlu. -- Ankara : Avrasya Yayın Reklam Mat., 2003. – 463 s.; Yazicioglu Mustafa Sait. *Maturidi kelam ekolu'nun iki büyük simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l – Mu'in Neseft* // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – S. 281-298; Şaban Ali Düzgün. *Mâtürîdî'nin Düşünce Dünyası*, (Ed.: Şaban Ali Düzgün), Ankara: Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları, 2011; Şaban Ali Düzgün. *Mâtürîdî Kayıp Aydınlanmanın İzinde*, (Ed.: Şaban Ali Düzgün), Otto Yayınları, Ankara 2020; Ahmet Ak. *Büyük Türk Âlimi Mâtürîdî ve Mâtürîdilik / Monografiya*. – İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 s.; Hülya Alper. *İmam Mâtürîdî'de Akll-Vahiy İlişkisi*. – İstanbul: İz Yayıncılık Limited Şirketi. 2021. – 238 s.

⁵ Уватов У. *Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти*. – Т.: Фан, 2000. – 48 б.; Уватов У. *Абул Муин ан-Насафий ҳаёти ва мероси*. – Т.: Маънавият, 2003. – 36 б.; Мўминов А. *Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): тар. фан. док. дис... автореф.* – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.; Зиёдов Ш. *Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-таъвилот» асари: тар. фан. ном. дис. ... автореф.* – Т.: ЎзФА ШИ, 2003. – 21 б.; Зиёдов Ш. *Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари*. – Т.: Фан, 2009. – 140 б.

йилларда бажарилган ПЗ-20170929709 – “Аҳли сунна эътиқод тамойилларига мос бўлган ақоид (илоҳиёт) матнларининг ўзаро қиёсий таҳлили ва замонавий мафкуравий аҳамияти” мавзуидаги амалий лойиҳа дастурига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи, бугунги кундаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда унинг Мовароуннаҳрда ақидавий қарашларнинг бир тизимга солинишидаги ўрнини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

Мотуридия таълимоти ривожини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

калом илмининг Мовароуннаҳр ҳудудида тарқалишига таъсир кўрсатган ижтимоий-сиёсий омиллар ва самарқандлик илк ҳанафий мутакаллимлар фаолиятини очиб бериш;

Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврда фаолият олиб борган “Дор ал-Жузжония” ҳамда “Дор ал-Иёдия” ақидавий мактаблари фаолиятининг ўлкада Ҳанафия-Мотуридия таълимотига нисбатан бўлган таъсирини аниқлаш;

Самарқандда Сомонийлар даврида калом илмига оид ёзилган дастлабки асарларнинг ўлкадаги ижтимоий-диний вазият, диний бағрикенглик ҳамда маънавий-маданий ҳаётни тартибга солишда тутган ўрнини очиб бериш;

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий меросини манбалар асосида комплекс ўрганиш;

Мотуридия таълимотида “нақлий далил” ва “ақлий далил” ўртасидаги муносабаликни очиб бериш;

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган ҳанафий-мотуридий уламолар илмий меросининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Мотуридия таълимотининг ривожига Абул Муин ан-Насафий илмий меросининг аҳамиятини очиб бериш;

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” ҳамда Абул Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарларини қиёсий таҳлил қилиш орқали ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Мотуридия таълимотининг бугунги кундаги мафкуравий ва ижтимоий муаммоларга ечим топишдаги аҳамиятини Абул Муин ан-Насафийнинг “Баҳр ал-калом” асари асосида очиб бериш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда вужудга келган Мотуридия таълимоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандда Ҳанафия қарашлари асосидаги Мотуридия ақидасининг шаклланиши ва таълимотнинг ривожланиш тарихига оид классик манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мотуридия таълимоти тарихини ёритишда ретроспектив, манбаларни ўрганишда комплекс ва холислик, тизимлилик,

муаммовий-мақсадли, тарихий, қиёсий, мантикий ёндашув ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

X аср биринчи ярмида Мовароуннаҳрда Абу Мансур ал-Мотуридий “Китоб ат-тавҳид” асарида ақидавий масалалар ечимида нақлдан (الآية والحديث) кўра ақли (العقل) қатъий далил (الدليل القطعي) сифатида эътироф этгани сабабидан Ҳанафия ақидасининг калом илми билан дифференциациялашуви содир бўлгани ва бунинг натижасида ўлкада ортодоксал калом илми ривожлангани очиб берилган;

Абу Саид ар-Рустуғфоний Имом Мотуридийнинг айрим шогирдлари ҳашамдор кийим ҳамда виқор билан юришга одатланганига нисбатан баъзи олимлар томонидан билдирилган танқидлар сабабли ўзининг “Фавоид” асарида: “Агар Аллоҳ ўз бандасига неъмат (бойлик) берган бўлса, ўша неъмат аломатини (гўзал кийим) унинг устида кўришни яхши кўради” (إن الله إذا أنعم على عبده نعمة يحب أن يرى أثر نعمته عليه) мазмунидаги ҳадис орқали мусулмоннинг гўзал кийим билан зийнатланиб юриши кераклигини тарғиб қилгани очиб берилган;

Абул Муин ан-Насафий “Баҳр ал-калом” (بحر الكلام) асарида ақидавий масалалар билан бир қаторда, сабр-қаноат, ҳалол касб эгаллаш, одоб-ахлоқ фазилатлари ҳамда боқимандалик, зикналик каби иллатларни ёмонлаш орқали мотуридийликка оид асарлар силсиласига илк бора дидактик услубни олиб киргани исботланган;

XI аср боши – XII аср охирида Абул Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарини ёзишидан асосий мақсади, аввало Мотуридия таълимотини Мовароуннаҳрга кириб келган ашъария олимларидан ҳимоя қилиш, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асаридаги мураккаб жумлаларни оммабоп ва тушунарли услубда шарҳлашдан иборат бўлгани, натижада, Мотуридия таълимотининг мустақил таълимот сифатида тан олинисида муҳим ҳисса қўшгани далилланган;

Аббосий Халифа ар-Розий даврида Бағдодда олимлар томонидан ечими топилмаган ва айнан Абу Мансур ал-Мотуридийнинг аниқ жавоби билан очиб берилган номаълум шаръий масала дин ва сиёсат (الديانة والإمامة) мавзусида бўлгани “Табсират ал-адилла” асаридаги Имом Мотуридийнинг ўз даврида Аббосийлар салтанатида “имомат” (раҳбарлик) масаласида юзага келган ихтилофларни: “Дин пайғамбарлар кўлида, сиёсат эса амир ва подшоҳлар кўлида” (الديانة في أيدي الأنبياء والسياسة في أيدي الملوك), деб ечим топган сўзлари орқали исботланган;

XI аср охирида Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг бирмунча заифлашганига асосий сабаблардан бири - минтақадаги мотуридий алломаларининг асл манбалари саналган Имом Мотуридий асарларини тушуниш ва талқин қилишдаги мураккабликлар бўлса, иккинчиси - ҳукмронлик доираси таъсири ортиб бораётган Салжуқийлар ҳомийлигида бўлган ашъарийларнинг минтақага кириб кела бошлаши эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертацияда Мотуридия олимларидан Абу Саид ар-Рустуғфанийнинг “Фавоид” (فوائد) (Сулаймония кутубхонаси. Янги Жоме. Инв. № 547), “ал-Асбила вал ажвиба” (الأسئلة والأجوبة) (Сулаймония кутубхонаси, Мулла Мурод. Инв. № 1829), ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг “Рисола фил имон” (رسالة في الإيمان) (Анқара университети Илоҳиёт факультети фонди. Инв.№: 237.4.) номли асарларининг Туркияда сақланаётган нодир қўлёзма нусхаларининг Мотуридия таълимоти тарихини ёритишдаги аҳамияти очиб берилган;

“Китоб ат-тавҳид”нинг “Табсират ал-адилла” билан қиёсий таҳлили орқали икки манбанинг кейинги асрларда Мотуридия калом мактабини ўрганишдаги эталон асар сифатидаги ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

VIII-IX асрларда Мовароуннаҳрда сомониёлар давридаги сиёсий-ижтимоий ҳолат таҳлил қилиниб, Мотуридия таълимотининг шаклланиши ва ривожига ижобий таъсир кўрсатгани классик манбалар асосида иботланган;

Абул Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асари таҳлил қилиниб, ундаги мовароуннаҳрлик ханафий уламолар илмий мероси ҳақидаги материаллар орқали асарнинг нафақат калом илми, балки энциклопедик асар сифатида ҳам катта аҳамиятга эга экани очиб берилган;

Мотуридия таълимотининг XI-XII асрларда мустақил таълимот сифатида тан олиншида Абул Муин ан-Насафийнинг таълимотни ёритиш услуги – ўз давригача бўлган машҳур ханафий-мотуридий олимлар ва калом илми тарихига оид масалалар борасидаги фикрларни тадқиқ қилиб, уларга далил, изоҳлар қўшган ҳолда мантиқий изчиллик асосида таснифлаш жиҳатидан бойитгани асосий восита сифатида исботланган;

тадқиқот давомида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси 70220207-Исломшунослик мутахассислиги ўқув режасига “Мовароуннаҳр мутакаллимлари илмий мероси”, “Калом илмининг замонавий муаммолари” фанлари ҳамда 5160100-Исломшунослик таълим йўналиши ўқув режасига “Мотуридия таълимотига оид манбалар” номли фанларнинг шакллантирилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий конференциялар тўпламлари, Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги махсус даврий нашрлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, чоп этилган монография ва рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациянинг назарий хулосалари ҳамда илмий муомалага киритилган қўлёзма манбалар орқали Мовароуннаҳрда ўрта асрларда фаолият олиб борган ақидавий илмий марказлар ва Ҳанафия фақиҳлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бирга, улардан Мотуридия таълимотини тўғри талқин қилиш орқали методологик ёндашувларни шакллантириш борасидаги назарий концепцияларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Мотуридия таълимоти тарихига оид ёзма маданий мерос манбаларни тадқиқ этиш орқали олинган хулосалар республикадаги диний ўрта махсус таълим муассасаларидаги калом илми тарихи билан боғлиқ фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулоти мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи ва ушбу таълимотга оид нодир манбаларни тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

X аср биринчи ярмида Мовароуннаҳрда Абу Мансур ал-Мотуридий “Китоб ат-тавҳид” асарида илк бор ақидавий масалалар ечимида ақлдан (العقل) нақлга (الأية والحديث) нисбатан қатъий далил (الدليل القطعي) сифатида фойдалангани сабабидан Ҳанафий ақидасининг калом илми билан дифференциациялашуви содир бўлгани ва бунинг натижасида ўлкада ортодоксал калом илми ривожлангани очиб берилгани хусусидаги илмий хулосалар Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида ёзилган “Имом Мотуридий” номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 22 майдаги 01/187-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу илмий хулосаларнинг қўлланилиши талабаларда Мотуридия таълимотининг мазмун-моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилган;

Абу Саид ар-Рустуғфоний Имом Мотуридийнинг айрим шогирдлари ҳашамдор кийим ҳамда виқор билан юришга одатланганига нисбатан баъзи олимлар томонидан билдирилган танқидлар сабабли ўзининг “Фавоид” асарида: “Агар Аллоҳ ўз бандасига неъмат (бойлик) берган бўлса, ўша неъмат аломатини (гўзал кийим) унинг устида кўришни яхши кўради” (إن الله إذا أنعم على عبده نعمة يحب أن يرى أثر نعمته عليه), мазмунидаги ҳадис орқали мусулмоннинг гўзал кийим билан зийнатланиб юриши кераклиги тарғиб қилингани очиб берилгани хусусидаги илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита буюртмаси асосида тайёрланган “Калом” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 20 апрелдаги 02-03/3027-сон далолатномаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи). Натижада, ушбу илмий хулосаларнинг қўлланилиши калом илми тарихи ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг асл мазмун-моҳияти, калом илмида аҳли сунна вал жамоанинг аҳамиятини теран англаш учун хизмат қилган;

Абул Муин ан-Насафий “Баҳр ал-калам” (بحر الكلام) асарида ақидавий масалалар билан бир қаторда, сабр-қаноат, ҳалол касб эгаллаш, одоб-ахлоқ фазилатлари ҳамда боқимандалик, зикналик каби иллатларни ёмонлаш орқали мотуридийликка оид асарлар силсиласига илк бора дидактик услубни

олиб киргани исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида нашр этилган “Мотуридия таълимоти тарихи” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи). Натижада, бу талабаларнинг калом илми тарихи, манбалари ва Мотуридия таълимоти мутакаллимлари илмий меросига оид янги маълумотларни ўзлаштиришларига хизмат қилган;

XI аср боши – XII аср охирида Абул Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарини ёзишидан асосий мақсади, аввало, Мотуридия таълимотини Мовароуннаҳрга кириб келган ашъария олимларидан ҳимоя қилиш, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асаридаги мураккаб жумлаларни оммабоп ва тушунарли услубда шарҳлашдан иборат бўлгани, натижада, Мотуридия таълимотининг мустақил таълимот сифатида тан олинишида муҳим ҳисса қўшгани далиллангани хусусидаги илмий хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида чоп этилган “Самарқандлик алломалар”, “Мовароуннаҳрда Мотуридия калом илми мактаби” китоблари мазмунига сингдирилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 4 майдаги 02/148-сон далолатномаси). Натижада, кенг жамоатчилик ҳамда илмий тадқиқотчиларнинг Абул Муин Насафийнинг Мотуридия таълимоти ривожигаги ўрни ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган;

Аббосий Халифа ар-Розий даврида Бағдодда олимлар томонидан ечими топилмаган ва айнан Абу Мансур ал-Мотуридийнинг аниқ жавоби билан очиб берилган номаълум шаръий масала дин ва сиёсат (الديانة والإمامة) мавзусида бўлгани “Табсират ал-адилла” асаридаги Имом Мотуридийнинг ўз даврида Аббосийлар салтанатида “имомат” (раҳбарлик) масаласида юзага келган ихтилофларни: “Дин пайғамбарлар қўлида, сиёсат эса амир ва подшоҳлар қўлида” (الديانة في ايدي الأنبياء والسياسة في ايدي الملوك), деб ечим топган сўзлари орқали исботлангани хусусидаги илмий хулосалар Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида чоп этилган “Мотуридия таълимоти ва Абул Муин Насафий илмий мероси” номли китоб мазмунига сингдирилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 4 майдаги 01-07/83-сон далолатномаси). Натижада илмий жамоатчилик ва тадқиқотчиларнинг Имом Мотуридий қарашларининг ёйилиши ҳамда унинг эътироф этилиши борасидаги тасаввурларининг кенгайишига хизмат қилган;

XI аср охирида Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг бирмунча заифлашишига асосий сабаблардан бири - минтақадаги мотуридий алломаларининг асл манбалари саналган Имом Мотуридий асарларини тушуниш ва талқин қилишдаги мураккабликлар бўлса, иккинчиси – ҳукмронлик доираси таъсири ортиб бораётган Салжуқийлар ҳомийлигида бўлган ашъарийларнинг минтақага кириб кела бошлаши эканлиги аниқлангани борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканалининг “Hidoyat sari”, “O‘zbekiston – buyuk allomalar yurti”, “Mahalla” телеканалда “Ajdodlar ibрати” тизимли кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган

(Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 майдаги 02-13-714-сон маълумотномаси). Натижада, бу томошабинларнинг Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси, Мотуридия таълимотининг асл мазмун-моҳияти, глобаллашув даврида Мотуридия мутакаллимлари илмий меросини чуқур ўрганишнинг аҳамиятини англаб етишларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 2 таси монография, 2 таси дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, ўн учта параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалар билан бирга, 254 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг шаклланиш асослари ва хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида Мотуридия таълимотини тадқиқ этишда унга бўлган муносабат ва ёндашувлар, калом илми тарихи ҳамда Моваруннаҳрга кириб келиш омиллари таҳлил қилинган.

“Мотуридия таълимотини тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари” номли биринчи бандда замонавий турк ва ҳалиж уламоларининг Мотуридия таълимотини тадқиқ этишда қўллаётган услублари таҳлил қилинган. Турк тадқиқотчилари Мотуридия таълимотини ўрганишда холислик принципларига амал қиладилар ва ушбу таълимотни суннийлик эътиқодининг (ортодоксал ислом) ажралмас қисми сифатида эътироф этадилар. Бундай

эътиборни турк тадқиқотчиларидан С.Кутлу⁶, Б.Топалўғли⁷, А.Ак⁸, М.Язичиогли⁹ каби олимларнинг ишларида учратиш мумкин. Турк тадқиқотчилари Абу Мансур ал-Мотуридийга нисбатан Мовароуннаҳрда Ҳанафия ақидасининг энг асосий реформатори сифатида қараганлар ва Мотуридия таълимотига нисбатан холислик билан ёндашганлар. Турк тадқиқотчиларининг айримлари Мотуридия таълимотини ўрганишда бири-бирига қарама-қарши бўлган индуктив ва детуктив услублардан фойдаланишган. Масалан, С.Кутлу Мотуридия таълимотининг генезисини, шубҳасиз, Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларига тақайди ва ўз тадқиқотларида, дастлаб, Абу Ҳанифа илмий мероси ва Ҳанафия ақидаси ҳақида тўхталиб, кейин Мотуридия таълимотини ёритишга ўтади. Бу ерда тадқиқотчи дедуктив метод орқали Абу Ҳанифа ақидавий қарашларининг умумий ҳосиласи сифатида Мотуридия таълимотини эътироф этади¹⁰.

Мотуридия таълимотини тадқиқ этишда Ғарб шарқшуносларининг услуби турк тадқиқотчиларига нисбатан бироз бошқача. Масалан, инглиз олими В.Маделунг мақолалари турк олимларидан фарқли равишда, Имом Аъзам Абу Ҳанифа ёки Абу Мансур ал-Мотуридийни улуғлаш ва устун қўйиш кайфиятидан йироқ¹¹.

Замонавий араб тадқиқотчилари Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий ва Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Хумайс кабиларнинг “Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвима” ва “Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа” номли ишларида Мотуридия ва Ҳанафия таълимоти тўлиқ танқид қилинган. Хусусан, Аҳмад ибн Авазуллоҳ китобнинг кириш қисмида Мотуридий яшаган давр, устоз-шогирдлари, илмий мероси борасида уламолар томонидан билдирилган эътирофни сўзма-сўз, иқтибослар билан келтириб, якунида ўзининг қўйидаги хулосаларини билдиради: “Мотуридия олимлари ва уларнинг тарафдорлари наздида, Абу Мансур ал-Мотуридий гўё юксак мартабали шахсдир. Ҳақиқатда эса, бу уламолар Мотуридийга нисбатан мақтовда муболағага йўл қўйганлар ҳамда уни ўзининг асл даражасидан ҳам кўтариб юборганлар. Бу эса, ўз имомига мутаассиб бўлган ҳар бир қавмнинг ҳолатидир. Бундай маддох олимлар, аслида, амалларга ва шахсиятларга шариат кўзи билан боқмайдилар. Натижада, ҳақ билан ботилни ажратмайдиган ва инсонларга айни лойиқ

⁶ Kutlu Sönmes. *Türklerin İslamlaşma Suresinde Murçie ve tesirleri*. – Ankara: Türkiye Diyanet Vakfi, 2000. XI, 332 s.

⁷ Topaloğlu B. *Nüreddin es-Sâbüni. Mâtürîdiyye Akâidi*. Dr. Bekir Topaloğlu tercime ve neşri. – Ankara: 1998. – 215 s.

⁸ Ahmet Ak. *Büyük Türk Âlimi Mâtürîdi ve Mâtürîdilik / Монография*. – İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 s (Бундан кейин: Ahmet Ak. *Mâtürîdi ve Mâtürîdilik*).

⁹ Yazıcıoğlu M.S. *Mâtürîdi ve Nesefiye gore insane hürriyeti kavrami*. M.E.B. Yayinlari. – İstanbul: 1992. – 144 s.

¹⁰ Масалан қаранг: Kutlu Sönmes. *İmam Maturidi ve Maturidilik : tarihi arka plan, hayatı, eserleri, fikirleri ve maturidilik mezhebi*. / yau. haz. Sönmez Kutlu. -- Ankara : Avrasya Yayın Reklam Mat., 2003. – 463 s (Бундан кейин: Kutlu Sönmes. *Maturidiligin Tarihi Arka Planı*).

¹¹ Мисол учун қаранг: Madelung W. *The Spread of Mâturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos*. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – P. 109-168; Madelung W. *Abu l-Muī'n al-Nasafi and Ash'arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth*. Vol. II: *The Sultan's Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand*. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – P. 318-330; Madelung W. *The Early Murji'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam*. – 1982. – № 59. – P. 32-39.

таърифни бермайдиган кимсаларга айланиб қоладилар”¹². Иккинчи тадқиқотчи Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Хумайс “Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа” номли асарида кўзга кўринган барча муътазилия уламолари ҳанафий фикҳида бўлганини рўқач қилиб, уларни Абу Ҳанифанинг издошлари қаторига кўшади¹³. Шунингдек, Абу Мансур ал-Мотуридийни ҳанафий-муржий сифатида баҳолайди. Мазкур бандда ушбу икки араб олимнинг методлари танқидий таҳлил қилинган.

“Калом илми тарихи ва унинг Мовароуннаҳрда тарқалишида ижтимоий-сиёсий омилларнинг аҳамияти” номли иккинчи бандда «калом» (كلام) араб тилида гап, нутқ, баён каби маъноларни англатиши ёритилган. Калом ва ақоид илми ислом илмлари орасида энг асосий ва зарурий илм ҳисобланади. Чунки бу илми тўғри талқин қилиш ёки талқин қилмаслик инсоннинг қолган ибодатлари қабул бўлиши масаласи ёки умуман, охирадаги ҳолатига таъсир ўтказади.

Дастлаб, ислом илмларининг барчаси умумий тарзда – «Исломий илмлар» ёки «Фикҳий илмлар» деб аталган. Сўнгра ундан турли илмлар – ҳадис, тафсир, фикҳ, тасаввуф, ақоид кабилар ҳосил бўлиб, ислом динига хос илмлар сифатида эътироф этила бошлаган. Ақоид ҳам ўзининг ушбу номида барқарор қолгунга қадар турли номлар билан аталган¹⁴. Жумладан, «ал-Фикҳ ал-акбар», «Илм ал-калом», «Усул ад-дин», «Имон», «Илм ат-тавҳид», «Илм ал-ақоид» каби номлар билан юритилган.

Мовароуннаҳрда калом илмининг шаклланишига II/VIII асрдаги сиёсий вазиятлар сабаб бўлган. Сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб фаолият олиб борган муржийлар ушбу ҳудудда «имон» масаласини ҳал қилиш орқали калом илмининг дастлабки ривожланиш босқичларини белгилаб бердилар. Лекин кейинги даврларда муржийлар фаолияти умуман кузатилмади.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, Абу Ҳанифанинг илмий мероси ва ақидавий қарашлари Мовароуннаҳрга Хуросон орқали кириб келган. Бунинг ҳам, албатта, мантикий сабаблари бор. Чунки нафақат Абу Ҳанифа таълимоти, балки Ислом динининг асослари ҳам Мовароуннаҳрга энг яқин кўшни давлат бўлган Хуросон орқали кириб келган.

I/VII-III/IX асрларда Хуросоннинг Балх шаҳри ҳамда Рай шаҳри энг катта илм маскани сифатида шуҳрат қозонган ва айнан шу шаҳарларда Абу Ҳанифанинг издошлари, ҳанафийлар фаолият олиб борганлар. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Мовароуннаҳрга ҳанафий таълимоти кириб келган ва кенг тарқалган. Натижада, Мовароуннаҳрда ҳам кўплаб ҳанафий олимлари етишиб чиққан.

Балхда Абу Ҳанифанинг фикрларини шахсан ўзидан ёки шогирдларидан ўрганган қуйидаги: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сулаймон ибн Зайёд (хижрий II

¹² Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: “Дор ас-самийй”, 2000. – Б. 99 (Бундан кейин: Ҳарбий. Мотуридия).

¹³ Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Хумайс. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: “Дор ас-самийй”, 2007. – Б. 625-631.

¹⁴ Сағдиев Х. Ақидавий асарлар номланишининг тадрижий босқичлари // СамДУ илмий ахборотномаси. – 2015. – № 2. – Б. 44.

асрнинг иккинчи ярми), Абу Умар ибн Муҳаммад ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн ар-Раммоҳ (ваф. 171/787 й.), Абу Муҳаммад Салм ибн Салим ал-Балхий (ваф. 194/809 й.), Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдуллоҳ ал-Балхий (ваф. 199/814 й.), Абу Муоз Ҳомид ибн Сулаймон ал-Балхий (ваф. 199/814 й.) каби олимлар Абу Ҳанифа фикрларининг Балхда кенг тарқалишида катта хизмат кўрсатганлар.

Ҳанафия таълимоти кенг тарқалган иккинчи ўлка Рай шаҳридир. Чунки Аббосий халифалардан Ҳорун ар-Рашид ва Маъмун шиалардан бўлган зайдийларга қарши чиқиш учун Рай ўлкасига ҳанафийларнинг машхур қозиларини жўнатган эдилар. Чунки бу ўлкада шиаларнинг мавқеи анча мустаҳкамланиб бораётган эди.

Ислом тарихида мазкур шаҳардан кўплаб машхур илм намояндалари етишиб чиққан ва райлик олимлар “ар-Розий” нисбалари билан аталган. Рай шаҳридан етишиб чиққан олимлар қаторига: Абу Бакр ар-Розий (ваф. 300/912 й.), мутакаллим ва мутасаввиф Фахруддин ар-Розий (ваф. 606/1209 й.), Абу Бакр Жассос ар-Розий (ваф. 370/980 й.) каби мутафаккирларни мисол келтириш мумкин.

Рай шаҳрининг ўша даврдаги тарихига назар солсак, аббосийлар Рай шаҳрига, дастлаб, Абу Юсуфнинг шогирди, асли марвлик Фазл ибн Ғаним ал-Ҳузойний (ваф. 236/850 й.), сўнгра Муҳаммад аш-Шайбоний ва Абу Мутиъ ал-Балхийнинг шогирди Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розийни (ваф. 248/862 й.) қози қилиб тайинлаганлар¹⁵.

Мазкур бобнинг “Самарқандга ҳанафия ақидасининг кириб келишида илк ҳанафий олимларнинг ўрни” номли учинчи бандида таъкидланишича, Абу Ҳанифанинг шогирдлари ва ҳанафия уламолари шу йўл билан унинг усул ва фуруъ борасидаги қарашларини, дастлаб, Балхда, сўнгра бутун Хуросонда тарқатишга ҳаракат қилдилар. Бунинг натижасида ҳанафия таълимоти қисқа вақт ичида минтақадаги бошқа шаҳарларга ҳам сингиб кира бошлади. Ҳанафия уламоларининг давлат томонидан қози ва бошқа катта лавозимларга тайинланиши Абу Ҳанифа таълимотининг минтақадаги обрўсини янада ошириб юборди¹⁶.

Абу Ҳанифадан илм олган ва унинг фикрларини Мовароуннаҳрда тарқатган олимлар қуйидагилар:

1. Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм (Суҳайл) ал-Фаззорий ас-Самарқандий.
2. Наср ибн Абу Абдилмалик ал-Атоқий.
3. Шариқ ибн Абу Муқотил.
4. Маъруф ибн Ҳасан.
5. Юнус ибн Сабих.
6. Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалий¹⁷.

¹⁵ Kutlu Sönmes. *Turklerin Islamlaşma Suresinde Murçie ve tesirleri.* – Б. 225.

¹⁶ Асқалоний, Ибн Ҳажар Абул Фазл Аҳмад ибн Али. *Лисон ал-мезон.* – Байрут: “Муассаса ал-оламиий”, 1986. – Ж. V. – Б. 469.

¹⁷ Кардарий, Ҳафизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ал-Хоразмий ал-Баззозий. *Маноқиб Абу Ҳанифа.* – Байрут: 1981. – Б. 514.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари бошлаб берган таълим жараёнлари ва қозилик вазифалари Самарқандда узоқ йиллар давом этди. 150/767 ва 300/912 йиллар орасидаги бир ярим асрлик даврда бу ерда муҳим жараёнлар содир бўлди ва натижада, ўлкада “Самарқанд мактаби” каби мактаблар вужудга келди. Айниқса, аббосийларнинг давлат сиёсати сифатида қувватланган ҳанафийлик таълимоти олимларига, турли шаҳарлардаги каби, Самарқандда ҳам қозилик лавозимлари берилди. Бу жараёнлар Самарқандда ҳанафийликнинг кенг ёйилишига омил бўлди¹⁸.

Балх, Рай ва Самарқанд каби шаҳарлар замирида Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларига ҳанафий қозиларининг тайинланиши ҳамда ўлкада ҳанафий таълимоти асосий ўринни эгаллагани бу минтақада Мотуридия таълимотининг шаклланишига замин яратди.

Диссертациянинг **“IX-X асрларда Самарқандда ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳит”** номли иккинчи бобида сомонийлар давридаги ижтимоий вазиятлар, ўша даврдаги ақидавий мактаблар ҳамда Мотуридия таълимотига оид ёзилган дастлабки асарлар таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг *“Сомонийлар давридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили”* номли биринчи бандида маълумот берилишича, Сомонийлар тарихи ҳақида: Истахрий “Сувар ал-ақолим вал масолик вал мамолик”, Ибн Ҳавқал “Сурат ал-арз”, Макдисий “Аҳсан ат-тақосим” номли асарларида батафсил маълумот бериб ўтганлар. Мовароуннаҳрда Сомонийларнинг пойтахт шаҳарлари, асосан, Самарқанд ва Бухоро ҳисобланган ҳамда амирлик чегараси кенглиги туркий давлатлардан то Ироққача, узунлиги Ҳинд диёридан Румгача чўзилган. Бу сулола 102 йилу 6 ой ҳукмронлик қилган¹⁹. Мовароуннаҳр ўлкаси Дамашқдан сўнг, Маъмун даврига қадар Бағдоддаги халифаликка боғлиқ бўлган. Сомонийлар III/IX аср бошларида Маъмун халифалиги даврида сиёсий кўтарилишни бошладилар. Маъмун халифа бўлгач, Асъад ибн Сомоннинг фарзандларини ўзига яқин кишилардан билиб, Мовароуннаҳрга бошлиқ қилиб тайинлаган. Шу билан Мовароуннаҳр Сомонийлар қўлига ўтган.

Сомонийлар 261/875 йилга қадар марказий халифаликка бўйсунар эдилар. 261/875 йилдан бошлаб, улар мустақил империя сифатида сомонийлар давлатини барпо қилдилар²⁰. 261/874 йилдан бошлаб, Бухорони, 279/892 йилдан бошлаб, бутун Мовароуннаҳрни бошқаришни бошлаган Исмоил Сомоний даврига келибгина бу қарамликдан қутулиш имкони туғилди.

Исмоил Сомоний ва Аббосий халифа ўртасидаги муносабатлар тарихий манбаларда турлича ёритилган. Масалан, энциклопедик олим Жамол ал-Қаршийнинг “ал-Мулҳақот бис сурах” асарида маълумот беришича, Исмоил Сомоний аббосийлар халифасига ўта итоаткор бўлган ва уларнинг таклифи билан Саффорийларни йўқ қилган²¹. Лекин бошқа манбаларда ўша даврдаги

¹⁸ Madelung W. The Early Muḥjī'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59. – P. 32-39.

¹⁹ Джамал ал-Карши. Ал-Мулҳақот би-с-сурах (جمال القرشي. الملحقات بالصراح) / Отв.ред. А.К.Муминов. Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х.Вахидова, Б.Б.Аминова. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 98 (Бундан кейин: Ал-Карши. Мулҳақат).

²⁰ Ҳарбий. Мотуридия. – Б.86.

²¹ Ал-Карши. Мулҳақат. – С. 98.

Аббосий халифа Муътадид биллаҳ саффорийлар лашкарбошиси Амр ибн ал-Лайсни Хуросоннинг волийси этиб тайинлагани, бундан Исмоилнинг ғазаби келиб, Амрга қарши жанг қилгани каби маълумотлар берилган.

Манбаларда сомоний амирлари, айниқса, Исмоил Сомонийнинг ўша даврдаги хорижийлар ва ғайридин туркларга қарши жиҳод ҳаракатларини олиб боргани ҳам таъкидланади. Айниқса, Ғарб тадқиқотчилари шу ваз билан Сомонийлар сулоласига кўплаб негатив фикрларни билдирадilar. Масалан, тадқиқотчи Д.Ж.Тор “The islamization of Central Asia in the sāmānid era and the reshaping of the muslim world” номли мақоласида таъкидлашича, Исмоил Сомоний Марказий Осиёни исломлаштириш кампаниясини ташкил қилган. Унинг сиёсати ҳарбий кўмондонлар ва амбициялар асосига қурилган. Исмоил ўз кучини тақводорликка ва энг аввало, исломни қабул қилмаган туркларга қарши муқаддас урушга йўналтирган²². Тадқиқотчининг хулосаларига кўра, Исмоил Сомонийнинг ғайридин туркларга қарши ушбу курашидан асл мақсади, аслида, марказий халифага ўзини яқин кўрсатиш ва шу орқали Саффорийлар устидан ўзининг қўли баланд келишини таъминлаш бўлган²³.

Тадқиқотчи Д.Ж.Тор ўз мақоласида бир томонлама хулосаларга келган. Д.Ж.Торнинг Исмоил Сомоний ўзининг шахсий амбицияси ва Саффорийлардан ўч олиш мақсадида ғайридин туркларга қарши кураш олиб борган, деган хулосалари бироз мулоҳазали. Чунки Исмоил Сомонийнинг ғайридин туркларга қарши курашгани ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий муҳитнинг тақозоси ҳисобланади.

Ибн Ҳалликон Сомонийлар давлати амирларини шундай сифатлаган: “Сомонийлар подшоҳлари Мовароуннаҳр ва Хуросон султонларининг сийрат жиҳатидан энг яхшилари эди. Улардан ким подшоҳликка ўтирса, “султонлар султони” деб аталар ва шу ном билангина танилар эди. Бу ном унга гўё белги бўлиб қолар эди. Одатда улар адолатли, заковатли ва илмли кишилар бўлганлар”²⁴. Ибн ал-Асир Сомонийлар давлатининг султонларидан Аҳмад ибн Асадни шундай таърифлаган: “Аҳмад ибн Асад тамаъ қилмайдиган, ҳамма яхши кўрадиган киши бўлиб, унинг одамлари пора олмас эди”²⁵. Ушбу султоннинг ўғли Исмоил ҳақида ҳам шундай фикрларни билдирган: “Исмоил оқил, адолатли, халқига яхши муносабатда бўладиган, юмшоқ одам эди”²⁶.

Сомонийлар подшоҳлари илмга ва унинг аҳлига катта эътибор берган эдилар. Бунинг тасдиғи ўларок, ўлкада кўплаб умумий ва хос кутубхоналар барпо этилган. Ибн ал-Асир Сомонийлар подшоҳи Исмоил ибн Аҳмад ибн Асадни шундай таърифлаган: “Исмоил яхши инсон бўлиб, илм ва дин аҳлини яхши кўрар ва уларни ҳурмат қилар эди”²⁷.

²² D.G.Tor. The Islamization of Central Asia in the Sāmānid era and the reshaping of the Muslim world / Bulletin of SOAS, 72, 2 (2009). – P. 287.

²³ D.G.Tor. The Islamization of Central Asia in the Sāmānid era and the reshaping of the Muslim world. – P. 285.

²⁴ Ибн Ҳалликон. Вафаёт ал-аъён. Эҳсон Аббос нашри. – Байрут: “Дор содир” нашриёти. V жилдди. 1978. – Ж. IV. – Б.245.

²⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит тарих. – Байрут: “Дор Байрут” нашриёти. X жилдди. 1968. – Ж.VII. – Б.279 (Бундан кейин: Ал-Комил).

²⁶ Ал-Комил. – Ж.VIII. – Б.5. Яна қаранг: Ҳарбий. Мотуридия. – Б. 87.

²⁷ Ал-Комил. – Ж.VII. – Б.282.

Манбаларда Исмоилнинг ўзи ҳақида шундай ривоят қилинади: “Самарқандда яшаётган эдим. Бир куни зулм билан олинган нарсалар хусусида ўйланиб ўтирган эдим. Шунда, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср ал-Фақиҳ аш-Шофий²⁸ кириб қолди. Мен у зотнинг илми ва динини улуғлаб дарҳол ўрнимдан турдим”²⁹.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ўлкаси ҳадис, фикҳ, луғат ва бошқа исломий илмлар бўйича етук олимларни етиштириб чиқарган. Улар ўзларининг жидду жаҳдлари, илм йўлидаги қийинчиликларга сабр қилишлари билан катта матонат кўрсатганлар. Улар ҳар қанча узоқ бўлмасин, олис шаҳарларга бориб, машаққат билан илм олган эдилар.

Иккинчи бобнинг “*Дор ал-Жузжония*” ва “*Дор ал-Иёдия*” ақидавий мактаблари тарихи” номли бандида маълумот берилишича, Абу Мансур ал-Мотуридий даврида “Дор ал-Жузжония” мактаби Самарқандда Абу Ҳанифа ақидавий қарашларининг кенг тарқалишида муҳим аҳамият касб этган марказ ҳисобланган. IV/X асрнинг ўрталаригача аҳли раъй йўналишида, ундан сўнг асҳоб ал-ҳадис йўналишида фаолият кўрсатган ушбу марказда Абу Мансур ал-Мотуридий етишиб чиққан ва мингга яқин талабаларга сабоқ берган. Ушбу мактаб тарихига назар ташласак, уни тахминан III/IX асрда Абу Муқотил ас-Самарқандий барпо этганига гувоҳ бўламиз. Кейинроқ Абу Сулаймон ал-Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайх ал-Жузжоний томонидан ривожлантирилган.

Абу Муқотил ас-Самарқандий (ваф. 208/823 й.) Абу Ҳанифанинг ўзидан таҳсил олган ва Самарқандга қайтиб, устозининг фикрларини тарқатган. Кейинчалик у машҳур “ал-Олим вал мутааллим” асарини Самарқандга келтирган ва ундан сабоқ берган³⁰.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари ташкил этган ушбу мактаб кейинчалик кўп йиллар давомида Ҳанафия таълимотида сабоқ берилган муҳим таълим марказига айланган. Ибн Закариё “Дор ал-Жузжония”да таълим бериш билан шуғулланган олимлар силсиласини қуйидагича тузиб чиққан³¹:

1. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (ваф. 150/769 й.).
2. Ал-Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. 189/805 й.).
3. Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. 200/816 й.).
4. Аш-Шайх ал-Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний (ваф. 250/864 й.).
5. Ал-Фақиҳ ал-Имом Абу Абдуллоҳ ибн Аби Бакр ал-Жузжоний (ваф. 285/898 й.).
6. Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёдий (ваф. 275/889 й.).
7. Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 333/944 й.).

²⁸ Муҳаммад ибн Наср ибн ал-Ҳажжож ал-Марвазий Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ўз асрининг имоми эди. 202/818 йили Бағдодда туғилган, Найсабурда улғайган ва Самарқандда муқим яшаган. Саҳобалар ва улардан кейингиларнинг чиқарган ҳукмларини яхши билар эди. 294/907 йили вафот этган.

²⁹ Ҳарбий. Мотуридия. – Б. 89.

³⁰ Sönmes Kutlu. Maturidiligin Tarihi Arka Planı. – Ankara: 2003. – Б. 124-125.

³¹ Ибн Закариё Яхё ибн Исҳоқ. Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама ас-Самарқандий. Қўлёзма. Туркия. Сулаймония кутубхонаси. Шехид Али Паша бўлими. Инв. 1648/3. – В. 160^б, 161^б, 162^а.

Ушбу силсилага аҳамият берсак, “жузжония” нисбаси билан уч нафар олим тилга олинган. Манбаларда келтирилишича, ушбу таълим марказининг “Дор ал-Жузжония” деб номланишига ҳам айнан шу уч олим марказнинг илк асосий устозлари ҳисоблангани сабаб бўлган.

Аксарият тадқиқотчилар “Дор ал-Иёдия” мактабини IV/X асрда ташкил топган, деган тахминга келганлар³². “Дор ал-Иёдия” Абу Аҳмад ал-Иёдий томонидан Самарқандда ташкил этилгани маълум. Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврда ҳанафийлар орасида пайдо бўлган иёдия тарафдорлари муташобих оятларни таъвил қилишга ҳамда ақлнинг асосий ҳужжат бўлишига кескин қарши чиққанлар³³. Шу орқали улар Абу Ҳанифадан бошлаб сақланиб келаётган “Аҳли раъй”дан ажралиб чиқадилар ва “аҳли ҳадис”ни қўллаб-қувватлайдилар. “Аҳли ҳадис” ғояларини маъқуллаганлар Иёдия олимлари бўлиб, уларнинг энг машҳур вакили Абу Аҳмад ал-Иёдий бўлган³⁴. “Дор ал-Иёдия” мактабининг асосий вакиллари сифатида ака-ука Абу Аҳмад ал-Иёдий ва Абу Бакр ал-Иёдий ҳамда ал-Ҳаким ас-Самарқандий каби олимларни мисол келтириш мумкин.

“Дор ал-Жузжония” ва “Дор ал-Иёдия” мактаблари ўртасида айрим тафовутлар мавжуд бўлган. Икки мактаб ўртасидаги ақл, имон, улул амр (раҳбарга итоат), иржо, муташобих оятлар таъвили каби масалаларда ўзаро ихтилофлар юзага келган.

“Мовароуннаҳрда калом илмига оид ёзилган дастлабки асарлар” номли учинчи бандда олим яшаган даврда ёзилган дастлабки асарлар ҳақида маълумот берилган. Абу Мансур ал-Мотуридий даврида ёзилган машҳур асарларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

1. “Китоб ас-савод ал-аъзам”³⁵. Ал-Ҳаким ас-Самарқандий бу асарни Сомонийлар даврида расмий ҳокимлар талаби билан ёзган. Сомонийлар амири Исмоил ибн Аҳмад (279/897-295/907) Бухоро ва Самарқандга ҳокимлик қилган вақтида 290/902 йили Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган барча олимларини бир жойга тўплаб, сунний эътиқодни баён қилувчи асар ёзишни буюрган. Ушбу масъулиятли вазифа ҳанафий олим Ал-Ҳаким ас-Самарқандийга топширилган. Шу тариқа у “ас-Савод ал-аъзам” номли асарини ёзишга киришган.

2. “Рисола фил имон”. Тўлиқ номи “Рисола фил имон жузъ минал имон” деб аталган ушбу рисоланинг муаллифи ҳам Ал-Ҳаким ас-Самарқандийдир. Рисола атиги икки саҳифадан иборат бўлиб, 1872 йили “ас-Савод ал-аъзам” асарининг нашрига илова қилиниб чоп этилган.

3. “Ал-Масоил ал-ашрия ал-иёдия”. Абу Бакр ал-Иёдий қаламига мансуб ушбу рисола ўз даврида “Масоил мин асл ад-дин” номи билан ҳам танилган, ушбу асар ҳам кичик рисола шаклида бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келган³⁶.

³² Ahmet Ak. Mâturîdî ve Mâturîdîlik. – Б. 108.

³³ Ahmet Ak. Ўша китоб. – Б. 108.

³⁴ Ўша китоб. – Б. 109.

³⁵ “Ас-Савод ал-аъзам” асари бир неча мартаба, хусусан, 1878 йили Қозонда, 1872 йили Истанбулда нашр этилган.

³⁶ “Ал-Масоил ал-ашрия ал-иёдия” асарининг қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида Ҳаким Али Поша бўлимида 402 рақами билан сақланаётган Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳосирийнинг “Ал-Ҳавий фил

4. “Жумал усул ад-дин”. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шогирди бўлган Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий қаламига мансуб ушбу асарга кейинчалик, Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқ “Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама ас-Самарқандий” номли шарҳ ёзган³⁷.

5. “Ал-Асъила вал ажвиба”. Ушбу асар Мотуридийнинг яна бир шогирди – Абул Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфоний (ваф. 350/961 й.) қаламига мансуб³⁸. Асар бор-йўғи етти савол-жавобдан иборат.

6. “Ал-Фавоид”. Ушбу асар ҳам Абул Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфоний қаламига мансуб. Унинг нодир қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Янги Жоме бўлимида 547 рақами билан сақланаётган Аҳмад ибн Мусо ал-Кешшийнинг (ваф. 550/1155 й.) “Мажмаъ ал-ҳаводис ван навозил” номли асарининг қўлёзмаси ичида сақланмоқда³⁹. Асарда рўза, намоз, имон, оила қуриш, ахлоқ каби, асосан, фикҳий масалалар баён қилинган.

“Абу Мансур ал-Мотуридий ва Мотуридия таълимотининг юзага келиши” номли учинчи бобда олимнинг ҳаёти, илмий мероси, Мотуридия таълимотида ақл ва нақл масаласи ҳамда Мотуридия таълимотининг бир қанча машҳур вакиллари ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур бобнинг “Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий мероси” номли биринчи бандида олимнинг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий экани, таваллуд санаси борасидаги мавжуд ихтилофлар, яъни 256/870 йил ва 238/853 йил саналарининг қай бири асосли экани таҳлил қилинган⁴⁰.

Алломанинг вафот этган санаси ҳақида барча табақот китобларида бир хил маълумот, яъни 333/944 йил деб кўрсатилган.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “ал-Қанд” асарида олимнинг қуйидаги иккита зурриёти ҳақида маълумотлар келган:

1. *Аш-Шайх ал-Қозий ал-Ҳасан ал-Мотуридий (ваф. 450/1059 й.)*⁴¹.

2. *Ал-Қозий Абул Ҳасан Али ибн ал-Ҳасан ал-Мотуридий (ваф. 511/1117 й.)*⁴².

Жамол ал-Қаршийнинг “Ал-Мулҳакат би-с-сурах”⁴³ асарида Бағдод халифаси⁴⁴ ҳузурида бир ақидавий масалага ечим топилмай қолгани ва халифа Имом Мотуридийнинг ушбу фатвога ечим топиб беришини сўраб,

фатаво” номли асари қўлёзмасининг ичида 251^{а-б} варақларидан ўрин олган.

³⁷ “Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама ас-Самарқандий” асарининг қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Раисулқуттоб бўлимида 1648/3 рақами билан сақланмоқда.

³⁸ “Ал-Асъила вал ажвиба” асарининг нодир қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси, Мулла Мурод бўлимида 1829 рақами билан сақланмоқда.

³⁹ Маълумот учун қаранг: Кешший, Аҳмад ибн Мусо. Мажмаъ ал-ҳаводис ван навозил. – Истанбул. Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Янги Жомеъ. Инв. № 547. – В. 285^б-317^б.

⁴⁰ Муҳаммад Айюб. Ақидат ал-ислом вал Имом ал-Мотуридий. – Б. 264-265. Яна қаранг: Ҳарбий. Мотуридия. – Б. 96.

⁴¹ Насафий, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий нашрга тайёрлаган. – Техрон: “Ойинаи мерос”, 1999. – Б. 420.

⁴² Ahmet Ak. Mâtürîdî ve Mâtürîdîlik. – Б. 37.

⁴³ Ал-Карши. Мулҳакат. – С. 92.

⁴⁴ Китобда қайси халифа экани ҳақида маълумот келтирилмаган. Лекин йиллар кесимида олинса, Халифа ар-Розий биллаҳ (322/934-328/940 йиллар халифалик қилган) деган тахминга келиш мумкин.

Самарқандга элчи юборгани акс этган. Элчи Мотуридийнинг содда ва камтарин инсон эканидан ҳайратга тушгани асарда ифодаланган.

Манбаларда таъкидланишича, Мотуридий уч йўналишда, яъни калом, тафсир ва фикҳ бўйича асарлар ёзган. Абул Муин ан-Насафий “Табсират ал-адилла”да Мотуридий қаламига мансуб қуйидаги асарларни кўрсатиб ўтган⁴⁵:

1. “Китоб ат-тавҳид”.
2. “Таъвилот ал-Қуръон ал-карим”.
3. “Китоб ал-мақолат”.
4. “Китоб радд ал-авоил ал-адилла лил Каъбий”.
5. “Китоб радд таҳзиб ал-жадал лил Каъбий”.
6. “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”.
7. “Китоб фир радд алал қаромита”.
8. “Радд ваид ал-фуссоқ лил Каъбий”.
9. “Радд китоб ал-имома ли баъз ар-равофиз”.
10. “Радд ал-усул ал-хамса ли Аби Умар ал-Бохилий”.
11. “Шарҳ ал-жомий ас-сағир”.
12. “Китоб ал-жадал фи усул ал-фикҳ”.
13. “Маъхаз аш-шариа фи усул ал-фикҳ”.

Замонавий тадқиқотларда Имом Мотуридий устозларига оид беш хил шажара тузилган. Лекин Абул Муин ан-Насафий “Табсират ал-адилла” асарида Абу Мансур ал-Мотуридий қуйидаги бешта олимнинг дарсларида иштирок этган ва улардан сабоқ олганини таъкидлаган⁴⁶:

1. Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий.
2. Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёдий.
3. Абу Бақр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Солиҳ ал-Жузжоний.
4. Нусайр ибн Яҳё ал-Балхий.
5. Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ражо ал-Жузжоний.

Манбаларда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шогирдлари қаторида қуйидаги олимлар қайд этилган:

1. Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий. (ваф. 335/947 й.)⁴⁷.
2. Абул Ҳасан ар-Рустугфоний. У 345/956 йили вафот этган⁴⁸.
3. Абу Салама ас-Самарқандий. У “Жумал усул ад-дин” номли асар ёзган.

Учинчи бобнинг “*Мотуридия таълимотининг умумий моҳияти ва унда “ақл”нинг ўрни*” номли иккинчи бандида таъкидланишича, Мотуридия таълимотининг моҳиятини, умумий тарзда, шартли беш йўналиш бўйича ёритиб бериш мақсадга мувофиқ:

1. Илм (билим) манбалари: Ўзаги учта учтадир: Бешта сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм, пайнаслаш); Ақл; Тўғри (соғлом) хабар.

⁴⁵ Мотуридий асарлари учун қаранг: Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин. II жилдли. К. Салома нашрга тайёрлаган. – Дамашк: 1990-1993. – Ж. I. – Б. 359 (Бундан кейин: Табсира).

⁴⁶ Табсира. – Ж. I. – Б. 162.

⁴⁷ Табсира. – Ж. I. – Б. 358-360.

⁴⁸ Ahmet Ak. Mâturîdî ve Mâturîdîlik. – Б. 47.

Мотуридия таълимотида ушбу уч йўл орқали кўлга киритилган маълумот қатъий маълумот ҳисобланади.

2. Улуҳият (Аллоҳ ҳақида илм): Мотуридия таълимотида тавҳид масаласига қатъий риоя қилинади. Бунда Аллоҳни шакл ва жисмга қиёсловчи мушаббиха ва мужассималар, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари азалийлигини инкор этувчи муътазиллийлар ҳамда ғайридинлардан насронийларга қарши раддиялар билдирилади. Абу Мансур ал-Мотуридий Аллоҳга нисбатан “шайъ” (شيء) атамасини ишлатади ва бунга Куръондан Шўро сураси, 11-оятни далил келтирган.

3. Нубувват (Пайғамбарлик масаласи): Мотуридия таълимотида жамики пайғамбарлар башарият орасида мафзул (энг афзали) деб эътироф этилган.

4. Ғайб илми (эсхотология): Мотуридия таълимотига кўра, инсоннинг бу дунё ва охирадаги ҳаёти ўртасида барзах ҳаёти мавжуд. Бунда инсонга бу дунёдаги ҳолатига кўра, барзахда ҳам азоб ёки роҳат берилади. Барзах масаласида мотуридийлар муътазиллийларга зид эътиқодда бўлган.

5. Имомат (халифалик, раҳбарлик) масаласи: ажабланарли ҳол шундаки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асарида имомат масаласи очиб берилмаган. Лекин “Китоб ат-тавҳид”га шарҳ сифатида ёзилган “Табсират ал-адилла” асарида имомат масаласи китобнинг охирида ёритилган. “Китоб ат-тавҳид”да имомат масаласининг ёритилмаганига сабаб – Абу Мансур ал-Мотуридий бу масалани умуман, эътиқодий эмас, балки ақлий мавзу деб эътироф этган.

Мотуридия таълимотига кўра, инсон нарсаларнинг ҳақиқатини далиллашида баъзан нақлдан кўра, ақл биринчи ўринга чиқарилиши ҳам мумкин. Бу ҳолат истисно тариқасида бўлади ва ақл нақлдан мутлақ устун қилиб олинди деган хулосага олиб келинмаслиги керак.

Масалан, Каҳф сураси, 86-оятда шундай дейилади:

Оят маъноси: То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач у (қуёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у (булоқ) олдида бир қавмни учратди. Биз: «Эй Зул-қарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан, ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», дедик.

Мотуридия таълимотига кўра, бу оятдаги “лойқа булоққа ботаётгани” деган сўзга шундайлигича ҳукм чиқарилмайди, балки ақлга суянилади. Бундай ҳолатда энди нақл “зонний”, ақл эса, “қатъий” бўлади.

Ақлга кўра, қуёш, аслида, ердаги булоққа ботиши мумкин эмас. Чунки дингизчи денгизнинг ўртасида турганида Қуёш худди денгизга ботаётгандай кўринади⁴⁹.

Лекин бундай ҳолатда нақл мутлақ четга чиқиб қолинмайди. Балки ақл қуёшнинг ердан ажралган ҳолатда бўлишини ҳукм қилишида барибир нақлга суяниши лозим бўлади. Бундай ҳолатга бир нечта оятни мисол келтириш мумкин:

⁴⁹ Таҳонавий, Ашраф Али. Ал-Интибаҳот ал-муфида фи ҳаллил иштибаҳотил жадида. – Карачи: “Дор ал-улум Карачи”, 1997. – Б. 81.

Оят маъноси: (Аллоҳ) кеча ва кундузни, қуёш ва ойни яратган зотдир. (Буларнинг) барчаси ўз фалак-фазосида сузурлар! (Анбиё сураси, 33-оят).

Мана шу ҳолатдаги нақлнинг истисно тариқасида “зонний” далил бўлишида кўпчилик тадқиқотчилар Мотуридия таълимотига нисбатан ноўрин айбловларни ёғдирганлар. Аслида, Мотуридия таълимотида ақлнинг мавқеи юқори тургани билан ўзининг функциясини бажаришида (яъни шариат амалларига итоат қилишда) барибир нақлга тобе бўлади.

Шунга кўра, нарсаларнинг моҳиятини англаб етишда Мотуридия таълимотида ақлга ҳам “имконият” берилган. Мотуридийлар бу масалада ўзларининг мустақкам позицияларида тура олганлар ва турли оқимларга раддиялар берганлар.

Учинчи бобнинг “*XI-XII асрларда яшаган мовароуннаҳрлик ҳанафий-мотуридий уламолар илмий фаолияти*” номли сўнгги бандида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг изидан борган бир қанча олимлар ҳақида маълумот берилган:

1. *Абул Йуср ал-Паздавий*. Садр ал-ислом Абул Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим ал-Паздавий 421/1030 йилда туғилган. Дастлабки сабоқни отаси Абул Ҳасан Муҳаммад ал-Паздавийдан олган. Манбаларда қайд этилишича, Паздавий 493/1099 йилда Бухорода вафот этган⁵⁰. Асарларидан “Усул ад-дин” муҳим аҳамиятга эга.

2. *Абу Ҳафс ан-Насафий*. Тўлиқ исми Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий (460/1068-537/1142) бўлиб, баъзи манбаларда унга ҳам «Мотуридий» нисбаси берилган. Бу унинг Имом ал-Мотуридийнинг маънавий шогирди ва Мотуридия таълимотининг давомчиси бўлганига далолатдир. Абу Ҳафс “Ақоид ан-Насафий” асарини Мотуридия таълимотини акс эттирган ҳолда ёзган.

3. *Абу Шакур ас-Солимий ал-Кеший*. Тўлиқ исми ал-Муҳтадий Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сайд ибн Шуайб ас-Солимий ал-Кеший ал-Макшифийдир⁵¹. Абу Шакур ас-Солимий Кеш воҳасида яшаб ижод қилган ва V/XI асрнинг 40-50-йиллар оралиғида туғилиб, 508/1114 йилда вафот этган. Унинг бизгача “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” номли китоби етиб келган ва ўн иккита бобдан иборат бўлган.

4. *Алоуддин ас-Самарқандий*. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бақр Алоуддин ас-Самарқандий бўлиб, 538/1143 йили вафот этган⁵². Алоуддин ас-Самарқандий Абул Муин ан-Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган ва Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли сунна” номли тафсирига “Шарҳ таъвилоти аҳли сунна” номли шарҳ ёзган. Мотуридия мутакаллимлари қаторида яна Иброҳим ас-Саффор ал-Бухорий. (ваф. 534/1139 й.), Нуриддин ас-Собуний (ваф. 580/1184 й.), Алоуддин ал-Асмандий (488/1095-552/1157), Сирожиддин ал-Ўший (ваф. 575/1180 й.),

⁵⁰ Самъоний, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. V жилдли. Абдуллоҳ Умар ал-Борудий нашрга тайёрлаган. – Байрут: “Дор ал-фикр” нашриёти, 1998. – Ж.I. – Б. 78.

⁵¹ Примов С. Абу Шакур Солимийнинг “Тамҳид” китобида ақл тушунчаси // Имом Бухорий сабоқлари. – 2009. – № 2. – Б. 102-105.

⁵² Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898. – Т.I. – P. 374.

Абул Баракот ан-Насафий (629/1232-710/1310) каби машхур олимларнинг ўрни ҳам катта бўлган.

Тадқиқотнинг **“XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг тараққиёти”** номли тўртинчи бобида, дастлаб, Абул Муин ан-Насафий ҳаёти ва илмий мероси ҳамда ўз даврида Мотуридия таълимотида олиб борган ислоҳотлари ҳақида сўз боради. Мазкур бобнинг *“Абул Муин ан-Насафий Мотуридия таълимотининг ислоҳотчиси сифатида”* номли биринчи бандида қайд этилишича, Абу Мансур ал-Мотуридий ўзининг таълимотини ўша даврда кучли бўлган муътазиллийлар билан ақидавий кураш жараёнида ривожлантириб кенгайтди. Мотуридий яшаган даврда «Мотуридия» деган таълимот, умуман, йўқ эди⁵³. Мовароуннаҳрдаги барча мутакаллимлар «ҳанафий олимлари» деб аталар эди. Абул Муин ан-Насафий (417/1024-508/1115) даврида бир қанча ашъарий уламолари Мовароуннаҳрга келиб, Мотуридия таълимотини танқид қилиш орқали ўзларининг ақидаларини сингдиришга ҳаракат қилганлар. Мотуридияга нисбатан бундай танқидлар таъсирида Абул Муин ан-Насафий даврига келиб, кўшни Хуросонда ашъарийлар бутунлай ўрнашиб олиб, вақти-вақти билан Мовароуннаҳрдаги мутакаллимларга қарши тухмат таъналарини ёғдиришгача журъат қила бошлаган эдилар. Мана шундай даврда Насафий ўз илмий фаолиятини олиб борган ва Имом Мотуридий қарашларини ислоҳ қилиб ривожлантирган ва уни муҳолифлардан ҳимоя қилган. Насафий Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа мактабидан кейин Мотуридий таълимотини бошқа олимларнинг таълимотларига нисбатан энг юқори ҳисоблаган. Шу тариқа калом илми бўйича кейинги давр тараққиёт босқичларини белгилаб берувчи янги анъана юзага келган. Гарчи у ҳамон «Асҳоб Аби Ҳанифа» номи билан юритилса-да, аслида, у тўлиқ самарқандлик олимга тегишли эди. Шу боис бу таълимотни ҳеч иккиланмай, «Мотуридия» деб аташ мумкин эди ва шундай ҳам бўлди.

Мазкур бобнинг *“Китоб ат-тавҳид”* ва *“Табсират ал-адилла” асарларининг хусусиятлари*” номли иккинчи бандида ушбу икки асар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. «Табсира» билан «Тавҳид»ни ўзаро солиштириганда, «Табсира»да кўтарилган мавзулар «Тавҳид»га нисбатан кўп ва кенг қамровли қилиб берилган. Насафий ушбу асарида муҳолифларнинг фикрларини ҳам объектив тарзда ёритишга ҳаракат қилади. Бу жиҳатлари билан «Табсира» калом илми тарихига оид биронта асарларда берилмаган маълумотларни ўзида акс эттирган. Шунингдек, икки асар солиштирилганда, Насафий баъзи масалаларни шарҳлашда Мотуридийнинг сўзларини «Тавҳид»дан кўчиради. Аммо Насафий «Тавҳид»дан жумлаларни тўлиқ кўчирмай, балки уларни таҳлил қилиб, кўшимча иборалар билан тўлдиради.

Лекин Насафий «Табсира»да муҳолифларнинг фикрларини келтирар экан, баъзан уларнинг номларини ошкор қилмайди. Бундай ҳолларда ўз нуқтаи назари билан у қарши чиқаётган фирқалар ёки шахсларнинг

⁵³ Маделунг В. Abu l-Mu'in al-Nasafi and Ash'ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan's Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Keln: Brill, 2000. – Б. 320.

фикрларини ажратиб олиш мушкул. Шундай қилиб, «Табсира»ни ўқиётганда ўқувчи ўз диққатини жамламаси ва танланган мавзу яхшилаб кузатилмаса, янглишиб кетиш ҳеч гап эмас. Чунки иккала асардаги усуллар ўзаро солиштирилганда, Насафийнинг тили Мотуридий тилига нисбатан фарқли экани кўзга ташланади. Мотуридий фалсафий атамаларга бошланғич сўз қўллайди. Насафий эса, аксинча, бугунги кун тили билан айтганда, «семантик» усулни қўллайди.

Оят маъноси: Роббингиз сизларни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюрди. («Исро» сураси, 23-оят).

Мотуридий ҳам ушбу оятни далил қилиб келтиради. Лекин мазкур оят билан яна бир қатор оятларни мисол келтиради⁵⁴. Демак, Мотуридий кўпроқ нақлий далил келтиради. Насафий эса, «Тавҳид»ни таҳлил қилган ҳолда ушбу оятлар орасидан бирини танлаб, «Табсира»да баён қилади.

Мотуридий «қазо» сўзининг ҳукм ёки буйруқ маъносини англатишини араб тилида қуйидагича ифодалайди:

Таржимаси: «қазо» сўзининг моҳияти, ҳақиқатда, бир нарса билан ҳукм чиқармоқлик ва унга энг лойиқ ва ҳақли нарса билан қатъийлаштирмоқдир. Сўнгра нарсаларнинг яратилишига яна бир марта назар ташламоқлик. Чунки бу нарса махлуқни аслига кўра таҳқиқ қилишлиқдир ва бу билан ҳар бир нарса асл яралмиши билан кўзга ташланади.

Насафий эса, «қазо» сўзининг буйруқ маъносини англатишини аниқ ва содда қилиб тушунтиради⁵⁵:

Таржимаси: «қазо» сўзидан мурод – ҳукм чиқаришдир. Айтилади: Қози фалончи устидан ҳукм чиқарди, яъни унга ҳукм жорий қилди. Яна «қазо» сўзидан мурод – буйруқ беришдир. Аллоҳ Таоло ўз каломида қуйидагича таъкидлайди: «Роббинг сенга ўзигагина ибодат қилишга буюрди». Яъни Роббинг амр қилди, лозим қилди.

Юқоридаги икки жумла солиштирилганда, албатта, Насафийнинг шарҳи энгил ва тушунарли эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Икки асар ҳажм жиҳатидан солиштирилганда, «Табсира» «Тавҳид»га нисбатан икки баравар кўп. Бунга сабаб, Насафий ўз асарида «Тавҳид»да кўрилган мавзуларни қисқа ва лўнда иборалар билан ифодалаган ҳамда ушбу мавзуларга алоҳида қўшимчалар киритган. Икки асарда ҳам аҳли сунна вал жамога зид бўлган оқимлар орасида энг кўп муътазилия таълимотига қарши раддиялар берилган. Икки асарнинг яна бир ўзаро муштараклик жиҳати шундаки, ҳар иккисида ҳам Абу Ҳанифанинг номи ва ақидавий фикрлари энг асосий марказда турган.

Икки асарда энг кўп танқид остига олинган олим сифатида ммуътазилийлардан бўлган – Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ал-Балхий ал-Каъбий номини айтишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» асарининг филологик таҳлилидир

⁵⁴ Таққосланг: Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: “ал-Мактаба ал-исломия”, 1979. – Б. 306 (Бундан кейин: Тавҳид).

⁵⁵ Табсира. – Ж.И. – Б. 715.

ва ушбу икки асар кўп жиҳатдан яқин бўлиб, бир-бирини тўлдириб келувчи калом илмига оид манбалар ҳисобланади.

Мазкур бобнинг “*Табсират ал-адилла*” асарининг *Мотуридия таълимоти ривождаги роли*” номли навбатдаги бандида маълумот берилишича, Абул Муин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари ҳақида кўплаб олимлар ўз ижобий фикрларини билдирганлар. Ҳатто алломанинг замондошлари ҳам бу асарга юксак баҳо берганлар. Шундай алломалардан бири Абул Муин ан-Насафийнинг замондоши ва шогирди – Нуриддин ас-Собуний (ваф. 580/1184 й.) Фахруддин ар-Розий билан қилган муноқашасида шундай дейди: «Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарини ўқиб чиққанимда, тадқиқ ва таҳқиқда унга тенг келадиган бирор асар йўқлигига ишончим комил бўлди»⁵⁶.

«Табсират ал-адилла»нинг калом илмига оид ёзилган бошқа асарлардан устун томони шундаки, унда нафақат каломий масалалар, балки мовароуннаҳрлик бир қанча машҳур мутакаллимларнинг ҳаётлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр калом илми тарихи ва у ерда фаолият олиб борган мутакаллимлар ҳақида ҳозирги кунгача айрим энциклопедик манбалардаги қисқача маълумотларга суяниб келинмоқда эди.

Абул Муин ан-Насафий “Табсират ал-адилла” асарини 500/1106 йили, Рабиъ ас-соний ойининг олтинчи куни (4 декабрь), пайшанба, аср вақтида Бухорода⁵⁷ ёзиб тугатган. Ушбу санадан биз Насафий мазкур асарини умрининг сўнгги йилларида ёзиб тугатганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Диссертация сўнгги бобининг “*Замонавий ижтимоий ва ақидавий масалалар ечимида Мотуридия таълимотининг аҳамияти*” номли тўртинчи бандида Мотуридия таълимотининг бугунги кундаги ижтимоий аҳамияти Абул Муин ан-Насафийнинг “Баҳр ал-калом” асари мисолида очиб берилган. “Баҳр ал-калом” асарида хорижийлар, муътазиллийлар, қадарийлар каби тарихда бўлган оқимларга раддиялар берилган.

“Баҳр ал-калом” асарининг диққатга молик яна бир жиҳати шундаки, унда нафақат эътиқодий масалалар, балки инсон учун ҳаётда яхшилик қилиш, боқимандаликдан ўзини асраш, доим эзгулик сари интилишга тарғиб этувчи ривоятлар ўрин олган. Шунингдек, асарда инсоннинг боқиманда, дангасалиқдан доим йироқда бўлиши лозимлиги ва доим ҳалол меҳнат ва касб қилиши кераклигига ризқ ва касб қилиш масаласи фаслида алоҳида тўхталиб ўтилган.

“Баҳр ал-калом” асарида бойлик ва касб масаласига алоҳида фасл ажратилган. Унда бойликнинг ҳар бир мусулмон учун зарур экани, фақат у ҳалол йўл билан топилиши алоҳида уқтирилади. Насафий асарда Абу Лайс Самарқандийнинг: “Сабр қилувчи фақир шукр қилувчи бойдан афзалдир”, деган фикрини келтиради⁵⁸. Насафий ўз фикрини давом эттириб айтадики,

⁵⁶ Тавҳид. – Б. 5.

⁵⁷ Насафий, Абул Муин. Табсират ал-адилла. Қўлёзма. – Истанбул: Қилич Али Поша кутбхонаси. Инв.506/2. – В. 1^а.

⁵⁸ Насафий, Абул Муин. Баҳр ал-калом. Саййид Юсуф Аҳмад нашрга тайёрлаган. – Байрут: “Дор ал-кутуб

сабр қилувчи фақир эса, бахил бойдан афзал. Шу сабабли инсон, доим қаноат ва сабр-тоқатли бўлиши лозим.

Асарда таъкидланишича, қадарийлар наздида инсоннинг бирон касб қилиши ва шу орқали мол топиши зарур эмас. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, агар инсоннинг қорни тўядиган даражада егулиги бўлса, унга касб қилиш суннат ва мубоҳ бўлади. Агарда егулиги ҳам, егулик сотиб олиш учун пули ҳам бўлмаса, бундай инсонга касб қилиш рухсатли (ижозат) бўлади. Агарда инсоннинг оиласи, бола-чақаси бўлса-ю, ҳоли танг бўлса, унга касб қилиш фарз ҳисобланади⁵⁹.

Мотуридия таълимотида нафақат ақидавий мавзулар ёритилган, балки инсон ҳаётида, турмушида ҳалол йўл билан яшашига тарғиб ҳам намоён бўлган. “Баҳр ал-калом” асарида нафақат Мотуридия таълимоти, балки аҳли сунна вал жамоа ақидасида бўлган бошқа уламоларнинг фикрлари ҳам бағрикенглик нуқтаи назаридан ёритилганига гувоҳ бўламиз. Шу жиҳатдан Мотуридия таълимотининг бугунги кунда ҳам жамиятимизда соғлом турмуш тарзини яратиш, ёшларимиз онгини турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш ва боқимандалик каби иллатлардан огоҳ этишдаги аҳамияти каттадир.

ХУЛОСА

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий мероси, ҳаёти ва фаолияти комплекс равишда ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

– Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келиши биланок, ўша даврдаги сиёсий вазиятлар таъсирида мусулмонлар орасида калом илмига эҳтиёж пайдо бўлган ва Муржийлар бу илмнинг дастлабки вакиллари бўлиб майдонга чиқдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу ўлкада ақидавий масалалар ҳам ўрганила бошлади. Ақидавий масалаларда Абу Ҳанифа ушбу таълимот вакилларига қарши бўлгани сабабли Муржийларнинг қарашлари аста-секин йўқола борган. Бу ерда хоҳ фикҳда бўлсин, хоҳ ақидада бўлсин, Абу Ҳанифа таълимоти устувор ўрин эгаллаган;

– Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит гарчи тўрт сунний мазҳабдан бирининг асосчиси ва мужтаҳид олим ҳисобланса-да, унинг ақоид илмига оид ёзган рисоалари калом ва ақоид илмидаги юксак мақомини белгилаб берган. Абу Ҳанифанинг ақидага оид рисоалари кейинги даврларда суннийлик эътиқодининг, хусусан, Мотуридия таълимотининг пайдо бўлишига тамал тоши вазифасини ўтаган;

– Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келишида ҳам ижтимоий масалалар марказида турган имон масаласи муҳим аҳамият касб этган. Айнан имон масаласини осонлаштариш ва маҳаллий аҳолининг эътиқод борасидаги муаммоларини ҳал қилишда Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари асосий вазифани ўтаган. Шу тариқа Мовароуннаҳрга калом илми кириб келган ва бунда Хуросоннинг Балх ва Рай шаҳарларида фаолият олиб борган Ҳанафий қозиларнинг ўрни катта бўлган. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари

ал-илмий”. 2005. – Б. 105.

⁵⁹ Насафий. Баҳр ал-калом. – Б. 109.

Мовароуннахрда, аниқроғи, Самарқандда Ҳанафия ақидаси интеграция жараёнига юз тутишига ва ўз такомиллига етишига замин яратиб берган;

– Абу Мансур ал-Мотуридий даврида ва ундан олдинги асрда Мовароуннахрда олимлар фикҳда ҳам, ақида масалаларида ҳам Абу Ҳанифа изидан борганлар. Улар ўз асарларини, асосан, Ҳанафий мазҳабига суянган ҳолда ёзиб, ўз фикрларини ифодалашда Абу Ҳанифанинг ақидавий таълимотига таянганлар;

– Абу Мансур ал-Мотуридий даврида “Мотуридия мактаби” деган ном ҳали шаклланмаган эди. Бу даврда Мовароуннахрда Абу Ҳанифа ақидавий қарашларини ўзида мужассам этган “Иёдия” ва “Жузжония” ақидавий мактаблари мавжуд бўлган. Шу боис мовароуннахрлик барча мутакаллимлар умумий тарзда “*Асҳоб Аби Ҳанифа*” деб аталганлар;

– “Дор ал-Жузжония” мактабида кўплаб мутакаллим олимлар орасида Абу Мансур ал-Мотуридий етишиб чиққан. Кейинчалик бу мактаб таъсирида “Дор ал-Иёдия” мактаби вужудга келган. Бироқ “Дор ал-Иёдия” мактаби вакиллари “Дор ал-Жузжония” мактабига нисбатан юқоридаги мухолифона қарашлари натижасида, кейинги даврларда уламолар орасида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмидаги услуби ва ҳатто айрим ақидавий қарашларига нисбатан аҳамият берилмаслигига олиб келган. “Дор ал-Иёдия” вакиллари Қуръонни таъвил қилишни кескин қораладилар ва ақлий далилларга қарши чиқдилар. Бу эса, табиийки, кейинги даврда Мовароуннахрда аҳли ҳадис тарафдорлари шофийий-ашъарийларнинг ақидавий қарашлари кенг тарқала бошлашига замин яратиб берди. Натижада, V/XI аср ўрталарига келиб, Мовароуннахрда Мотуридия таълимоти эътибордан четлашиш даражасидаги ҳолатга келиб қолди. Бу эса, ўлкада Ҳанафия фикҳига ҳам салбий таъсир ўтказмай қолмас эди;

– Абу Мансур ал-Мотуридий даврида калом илмига оид ёзилган асарлар таҳлилига кўра, “Дор ал-Жузжония” ва “Дор ал-Иёдия” мактаблари ўртасида катта ихтилофлар юзага келмаган. Таҳлил қилинган адабиётларнинг барчаси “Дор ал-Иёдия” вакиллари қаламига мансуб асарлар эди. Уларда фақат Абу Мансур ал-Мотуридий илмий меросига нисбатан нақлий далилга кўпроқ аҳамият берилган, холос. Лекин биронта асарда Абу Мансур ал-Мотуридий фикрий қарашлари ва шахсиятига салбий муносабат билдирилмаган. Демак, “Дор ал-Иёдия” мактаби вакиллари ҳанафия-мотуридия ақидасини ақлга нисбатан нақлий далиллар билан ифодалашга ҳаракат қилганлар;

– Асосий ғоявий рақиби муътазиллийлар бўлган Абу Мансур ал-Мотуридий ўз асарларида раддияларини, асосан, шу оқим вакилларига қарши ифодалаган. Мотуридий билан бир даврда, Бағдодда Абул Ҳасан ал-Ашъарий ҳам фаолият олиб борган. Бу икки аҳли сунна мутакаллимларининг фикрлари ўртасида ўзаро мутаносиблик бўлган;

– Мотуридия ва Ашъария таълимоти ўртасида юзага келган ихтилофлар асосан, XI-XII асрларда фаолият олиб борган олимларнинг асарларида ёритиб берилган. Ашъарийлар кўпроқ аҳли ҳадис тарафдорлари бўлгани учун имон масаласида ҳанафий-мотуридийларга қарши ақидани илгари сурганлар.

Ақл масаласида ҳам Мотуридия таълимотида инсоннинг Аллоҳни танишида ақл энг асосий восита сифатида эътироф этилган;

– Абу Мансур ал-Мотуридий Абул Ҳасан ал-Ашъарийга нисбатан эркин муҳитда яшагани унинг ижодида баъзан ақлнинг нақлга нисбатан ўрни юқори бўлганига сабаб бўлган. Бунда ақл қатъий, нақл эса зонний далил ҳисобланган. Лекин шунга қарамай, қатъий ақл далилланишида бошқа нақл қатъий далил вазифасини ўтаган;

– Абу Мансур ал-Мотуридий ўз йўлида мустаҳкам туриб, куфалик олим Абу Ҳанифа таълимотини муҳолифлардан ҳимоя қилган ва ўзининг ҳам Ҳанафий мазҳабида эканлигидан доим фахрланган. У Абу Ҳанифани ўзининг маънавий устози деб ҳисоблаган ва мовароуннаҳрлик барча ҳанафий олимлар орасида унинг номи биринчи қаторда туришининг тарафдори бўлган;

– V/XI асрларга келиб, ҳанафий-мотуридийлар ва шофийий-ашъарийлар ўртасида рақобат пайдо бўла бошлади. Бунда кўшни Хуросонда шофийий-ашъарийлар муваффақиятли фаолият юритиб, айримлари Мовароуннаҳр шаҳарларига ҳам сафар қилганлари асосий омил бўлган;

– Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг шаклланиши ва ривожланишида Абул Муин ан-Насафийнинг ўрни беқиёс бўлган. Аллома бу ерда ашъарийларнинг ҳанафий уламоларига қаратилган тухматларига қарши кураш олиб борган ва Имом ал-Мотуридий асос солган ақидавий таълимотнинг сақланиб қолишига замин яратиб берган;

